



**Миср Араб Республикаси Африка қитъасининг шимолий шарқидо жойлашган. Аҳолиси — 60 миллион кишидан ошди. Майдони бир миллион икки юз миң квадрат километри ташкил этади. Пойтахти — Қоҳира. Давлат бошлиги — Президент. 1981 йилдан бошлаб (1993 йили учинчи мўддатга сайланган) ушбу юксак лавозимда Муҳаммад Хусни Муборак фаолият кўрсатмоқда.**

Мисрда табиий бойликлар ва фойдали қазилмалар захиралари жуда чегараланган. Асосан нефть (0,5 млрд. т.), газ (198 млрд. куб м.), темир рудаси (440 млн. т.) ва фосфат (2,5 млрд. т.) захиралари мав-

Миср қишлоқ ҳўжалиги асосини ташкил этади. Мамакатда транспорт воиталари асосан Нил водийси ва Сувайш канали зонасида ривожланган. 1987 йилда Қоҳирада Африка ва араб дўнбесидаги биринчи метро ишга тушди. Шунингдек, Миср туризм соҳасига ҳам катта аҳамият бермоқда. Бутун дўнбдаги барча тарихий ва маланий ёлгорликларнинг олтидан бир қисми шу ерда жойлашган. Айни вақтда мамлакатга йилга тўрт миллионга яқин сайёҳ келмоқда.

Миср қишлоқ ҳўжалиги асосини ташкил этади. Мамакатда транспорт воиталари асосан Нил водийси ва Сувайш канали зонасида ривожланган. 1987 йилда Қоҳирада Африка ва араб дўнбесидаги биринчи метро ишга тушди. Шунингдек, Миср туризм соҳасига ҳам катта аҳамият бермоқда. Бутун дўнбдаги барча тарихий ва маланий ёлгорликларнинг олтидан бир қисми шу ерда жойлашган. Айни вақтда мамлакатга йилга тўрт миллионга яқин сайёҳ келмоқда.



**ҚУШИПМАСПИК ХАРАКАТИ РАИСИ БАЁНОТИ**

**Индонезия Босния сербларининг Шарқий Босниядаги хаёфсизлик худудига уюштирган ҳужумини дарҳол тўхтатишни талаб қилди.**

Қушипмаслик ҳаракати раиси сифатида Индонезия Президенти Сухарто берган баёнотда шундай дейилади. Шунингдек, Индонезия Босния муаммоларини тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш зарур деб ҳисоблайди, дейилади баёнотда.

**БОСҚИНЧИПИК ҚОРАЛАНДИ**

**Миср ҳукумати ҳам Босния сербларининг босқинчилик ҳаракатини қоралаб, баёнот берди.**

Унда Босния мусулмонлари ўз-ўзини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши учун, халқаро ҳамжамиятдан Босния мусулмонларига қурол-ҳарам сотмаслик ҳақидаги таъқиқни бекор қилиш талаб этилган. Миср ташқи ишлар вазири Амр Муса БМТ хаёфсизлик Кенгаши доимий аъзоси бўлган беш давлатнинг Қоҳирадаги элчиларига ҳам худди шундай талабни етказди.

**СИНОВЛАРНИ ТўХТАТИШГА ЧАҚИРДИ**

**Мексика ҳукумати Францияни Тинч уммондаги Атолла Муруроадаги ядровий синовларини тўхтатишга чақирди.**

Синов ўтказишни таъқиқлаш ядровий қуролларни тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартноманинг имзолангунига қадар давом этиши керак, дейилади Мексика Ташқи ишлар вазири-лиги берган баёнотда.

**ЭҲРОМЛАР МАМЛАКАТИ**



**23 июль — Миср Араб Республикасининг миллий байрами**



Мисрда табиий бойликлар ва фойдали қазилмалар захиралари жуда чегараланган. Асосан нефть (0,5 млрд. т.), газ (198 млрд. куб м.), темир рудаси (440 млн. т.) ва фосфат (2,5 млрд. т.) захиралари мав-

Миср қишлоқ ҳўжалиги асосини ташкил этади. Мамакатда транспорт воиталари асосан Нил водийси ва Сувайш канали зонасида ривожланган. 1987 йилда Қоҳирада Африка ва араб дўнбесидаги биринчи метро ишга тушди. Шунингдек, Миср туризм соҳасига ҳам катта аҳамият бермоқда. Бутун дўнбдаги барча тарихий ва маланий ёлгорликларнинг олтидан бир қисми шу ерда жойлашган. Айни вақтда мамлакатга йилга тўрт миллионга яқин сайёҳ келмоқда.

**Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Асрлар давомида бу миср халқининг бошидан не-не савдолар кечмади, дейсиз? Чет эл мустамаккачиларига қарши жангу-жадаллар, босқинчилар асоратидаги ғам-андуҳлар, ғалаба нашидаси, тинч тараққийёт даври — буларнинг ҳаммаси миср халқи тарихидан мустаҳкам ўрин олган. 1982 йилнинг 14 сентябридан Миср Британия мустамаккасига айланди. Шу кундан мамлакатнинг барча бойликлари чет эллик мустамаккачилар фойдасига соврилла бошланди. Бироқ ушбу жараён Мустафо Комил, Саъд Зағлул сингари мисрлик инқилобчилар бошчилигидаги миллий ватанпарварлик ҳаракати кўтарилишига монелик қила олмади. Саъд Зағлул раҳбарлиги остидаги халқ ҳаракати биринчи жаҳон уруши тугаши биланоқ Мисрда мустақиллик берилишини талаб қилиб чиқди. Жабр ва зулмдан эзилган халқнинг истиқбол учун олиб борган кураши эса узоқ мўддат давом этди. У иккинчи жаҳон урушидан кейин янада аланга ола бошланди. Шу аснода Миср қуроли кучлари таркибида ватанпарвар зобитлар гуруҳи ташкил топди ва мамлакатда мавжуд вазиятни тубдан ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу гуруҳга «Эркин зобитлар» номи берилди. Унга Жамол Абул Носир раҳбарлик қила бошланди.

Тарихдан маълумки, 1948 йили Фаластин муаммоси кўндалан бўлди ва «Эркин зобитлар» дилида Мисрни фисқу фотландан ҳолис қилиш иштиғи уюнди.

1952 йилнинг 23 июль тонгида «Эркин зобитлар» бошчилигидаги армия ҳаракатга келиб, радио, телефон ва теле-

Алиқулова катта тезликда келатган поезд олтидан югуриб ўтмоқчи бўлганида вагон гилдираклари остида қолиб кетган. Маргилонлик 57 ёшли Мирзажоннова алоҳида ўтиш жойи қолиб, вагон тағидан ўтаётганида поезд қўлга олган...

Олиб борилган текширишлар бахтсиз ҳодисаларнинг аксарияти жабрланувчиларнинг айби билан содир бўлатганини кўрсатмоқда.

Инсонга ҳаёт фақат бир мартагина эга этилади. Соғ-саломат юриш аввало ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ. Бунга ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

**Саидхад МАХСУМОВ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссдорлик компаниясининг катта инструктори.**

**ШОШМАНГ БИРОДАР...**

**Узини эҳтиёт қилганини худо эҳтиёт қилади, дейишди. Лекин биз ўзимизни эҳтиёт қилишни билмаймиз ёки бунга эътибор бермаймиз. Натижада эса дилсизликка дуч келамиз.**

Кейинги пайтларда темир йўл ёқасида яшовчи аҳоли орасида ёш болаларнинг қаровсиз қолирилиши, йўловчиларнинг ҳаёфсизлик қондасига амал қилмасликлари, эҳтиётсизликлари тўғрисида кўнгалсиз ҳодисалар тез-тез учраб турибди. Айниқса, жароҳатланганлар орасида болаларнинг бисёрлиги ташвишланарли ҳолдир. Фикримизнинг даллили сифатида қуйидаги ҳодисаларни мисол қилиб келтирсак бўлади: 12 ёшли В. Лоқинов «Пролетаробод —

**ЯРМАРКАДАН... ИШГА ЙўЛЛАММА**

Ҳаётимизга кейинги йилларда ҳар хил соҳаларга оид қатор янгиликлар кириб келди. Лекин улардан турмушнинг турли ваиятларида тўғри фойдаланамизми?

Яқинда Жомбой тумани меҳнат биржаси ходимлари одамлар уларнинг хизматидан қандай фойдаланаётганлиги билан қизиқиб қўридилар. Хўш, натижа қандай бўлди? Аниқланишича, бу идорага шу йилнинг биринчи чорагида бор йўғи олтимиш беш киши иш сўраб мурожаат этган. Уларнинг эллик етти нафари ишга жойлаштирилган, беш киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

Аммо хонадонларга кириб, ҳақиқий аҳвол ўрганилганда туманда 311 киши мустақил иш қидиришган. Аммо меҳнат биржаси хизматидан беҳабар эканлар.

Хуллас, шу тарихда бу ерда «Бўш иш жойлари» ярмаркасини ўтказиш госяси пайдо бўлди. Июнь ойи охирида кўпроқ ишсизлар қатнашишди. Унда қирқдан зиёд ташкилот ўзида мавжуд иш ўринлари билан иштирок этидилар.

Ярмаркада қатнашганларнинг икки юз ўн бир нафари туманда тикланган Ўзбекистон-Туркия «Яекокс» кўшма корхонасига йўллана олишди. Бундан ташқари ўнлаб кишилар бошқа ташкилотларга ишга юборилди. Хуллас, Жомбойда энди йилнинг ҳар чорагида ана шундай ярмаркалар ташкил этилиб, қўлаб одамлар янги меҳнат ўринларига эга бўлишарди. Бундай тадбирнинг уюштирилиши ишсизларга ҳам, иш ўрни мавжуд ташкилотларга ҳам қўл келаетир.

**М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**МЕҲМОНЛАРГА 4 МАҲАЛ ОВҚАТ УЛАШАЁТГАН «ШИФКОР»**

Термиз шаҳридаги «Шифкор» ҳуёсий кичик корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Мазкур корхона хизматидан баҳраманд бўлаётганлар сон кун сайин ортиб бормоқда. Чунки бу ерда махусе жиҳозланган муоложа, жарроҳлик, лаборатория хоналари ва ошхоналар фаолияти ҳам кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, беморларни кўришга узоқ жойдан келган кишилар учун ҳар томонлама қулай бўлган меҳмонхона мавжуд, меҳмонларга ҳар кун ичтирт маҳал иссиқ овқат улашини ҳам корхона ўз зиммасига олган.

**Уктам ДўСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Туркистон — умумий уйимиз**

**ДўСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

(ёзги дам олиш масканларидан репортаж)

Косонсой Қора тоғ тизмалари этагига жойлашган сўлим маскан. Унинг бетакдор манзараси, салқин об-ҳавоси ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Тоғ тизмаларидан тошдан-тошга уришиб тўшган сув ирмоқларининг сойга айланиб шарқираб настида оқиб дилларга завқ бағишлайди. Ана шу сойнинг икки соҳилида ўндан ортиқ болаларнинг ёзги дам олиш масканлари жойлашган. Бу ерда ҳар йили милялаб ўқувчилар ёзги таътилларида дам олиб хордиқ чиқарадилар.



Мазкур дам олиш масканлари нафақат ўқувчиларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказадиган, балки дўстлик ришталарини боғлаётган ва мустаҳкамлайдиган сўлим гўшаси ҳамдир. Негаки, бу ерда ўзбек, тожик, қирғиз, рус, корей ва бошқа миллат болалари дам олишади.

Дам олиш масканимизда ҳар йили ёз ойларида икки сменда миля нафардан зиёд бола дам олади, — дейди вилдот агроноат бирлашмасига қарашли болалар дам олиш маскани бошлиги Ваҳобжон Маммажонов, — Ҳозир беш юз нафарга яқин олти миллат вакилларидан иборат бўлган болалар дам олишапти. Ҳар йилгидек бу йил ҳам болаларнинг мароқли хордиқ чиқариши учун бир қатор тадбирларни ишлаб чиққанмиз. У «Туркистон-умумий уйимиз» ширини остида ўтмоқда. Тарбиячилар мана шу мавзуда болалар билан долний равишда суҳбатлар олиб боришапти. Туркистон халқлари урф-одатлари, анъаналарининг теран илдизлари, ота-болаларимиз азалдан бир тану, бир жон бўлиб яшаганликларни тар-

**А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири. П. АКБАРОВ суратлари.**

**Мадамталаб мактуб**

**УЙГА ТАШВИШ ҚўШИИБ ОЛГАНЛАР**

Жиззах шаҳри худудидоги Сулоқли маҳалласида «Ўзбекистон темирйўллари» давлат ҳиссдорлик компаниясининг Жиззах темирйўл станциясидаги юқори куланидаги электр қувватини узатиш подстанциясининг меҳнат жамоаси аъзолари учун 1993—1994 йиллар мобайнида 5 та икки хонадонли кotteж уйлар қурилган. Бу янги уйларга ўтган 1994 йилнинг баҳоридо ана шу подстанция ишчи, хизматчиларининг оилалари кўчиб к-

Уй-жой биноларини қуриш учун тузилган шартномага мувофиқ буюртмачи Жиззах темирйўл подстанциясининг мамурурия бўлган бўлса, иш бажарувчи пудратчи ташкилот — Жиззахдаги 1-қурилиш ҳижозлари комбинатининг бинокорлари жамоасидир. Кotteж уйларини ўз мўддатида қуриб битказиш ва фойдаланишга топшириш ишларининг берилуқон, сифатли бажарилиши учун бевосята мутасадди шахс — бу комбинат бош директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосарм Нормейли Гофуров бўлади. Лекин у одамларга бошлана бўлса бўлгани. Кам-кетигини ўзлари тўғрилай олишди, деб уйлайдиганлардан чиқиб қолди. Бўлмаса чала-чулпа иш бажарилганига қарамай «уй тайёр», деб далолатномага имзасимиздан имзо чекиб юборармиди?

Биз кotteж уйлардаги хонадонларни бирма-бир кўздан кечирганимизда бунга гувоҳ бўлдик. Чунончи, Рустам Ҳосиловнинг 5 хонали хонадонидо иситиш тармоқлари (батареялар) ўрнатилган бўлса-да, аммо улар мутлақо ишламайди. Ўнганга кўра уй-жой биносининг ҳозирга қадар газлаштирилмаганлиги сабаб бўлатган экан. Шунингдек, лойиҳада кўзда тутилган ҳовли атрофини темир панжара ёки сим тўр билан ўраш ишлари ҳам бажарилмаган. Ҳовли тўрида қурилган ҳожатхонага эшик ўрнатилмаган.

Шу кotteждаги иккинчи хонадонда электромонтер Соли Эшмирзаевнинг оиласи истиқомат қилади. Хонадон соҳиб кotteжини қуриш пайтида айвон томига бетон плита қўйилмай, унинг ўрнига цемент қоринмаси ишлатилганлиги тўғрисида ёлғир ёғса қатта томчилаётганидан нолиди.

Чала-чулпа қурилиб, тезлик билан фойдаланишга топширилган бу уйда талай бошқа қусурлар борлигини ҳам кўрдик. Хонадонларда электр нуридан фойдаланиш учун зарур бўлган асбоблар

**А. ИМОНОВ, К. ҚУРБОНОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбирлари.**

**ГЕНЕРАЛ ФИКРИ**

**Судан ҳукумати Мисрчи мамлакатга ҳарбий таҳдид солишида айбламоқда.**

Судан ҳарбий қўшинлари бригада генерали Муҳаммад Башир Сулаймоннинг таъкидлашича, Миср қўшинлари Судан чегарасига яқин бўлган Халаиб ва Вади халфа туманларида тўпланмоқда. Мисрнинг бундай ҳаракати Судан давлатининг худудий бутунлигига хаёф туғдиради, деди у.

**МУХОЛИФАТ КЕЛИШОПМАЯПТИ**

**Шри Ланка ҳукумат қўшинлари мамлакатдаги «Тамил илама — Озодлик йўлбарслари» ташкилотининг қуроли тузилмаларига қарши 9 июлда бошлаган ҳарбий ҳаракатларини ҳамон давом эттирмоқда.**

Шу кундан буён мамлакатнинг шимолий туманларида 69 нафар ҳўкумат аскарлари ҳалок бўлди, 216 нафар аскар эса жароҳатланди. Маълумотларга кўра мухолиф кучлардан 300 га яқин киши ўлдирилган.

**НИҲОТ НОБЕЛ МУКОФОТИНИ ОПАДИГАН БўПДИ**

**Нобел мукофоти кўмитаси Мьянманинг мухолифатдаги кучлар раҳбари, таниқли ҳужў ҳимоячиси Су Чжи-га Нобел мукофоти берилиши ҳақидаги қарорини эълон қилди.**

Энди у мукофотни олиш учун Норвегиянинг Осло шаҳрига келади. Су Чжи 1989 йилда ҳам ушбу мукофот билан тақдирланган эди. Бироқ, мукофотни олишга муваффақ бўла олмади. Мьянмадаги ҳарбий тузум уни йў қамогидо сақлаб турган эди. Яқинда Су Чжи қамокдан озод этилди.

**ЁРДАМ ДАСТУРИ**

**Япония ҳукумати табиий офатларга қарши зудлик билан чора кўриш учун давлат идораларида «Жағовар тайёргарлик»ни ошириш ҳақида дастур қабул қилди.**

Ушбу дастур 1963 йилдан буён амал қилиб келинаётган ва ҳозирги пайтда талабга жавоб бермай қўйган дастурдан фарқли равишда ҳарбий кучларга табиий офат рўй берган худудларга тезда ёрдам бериш мажбуриятини ҳам юклайди.

**ДОРИ ФАБРИКАСИ**

**Душанбеда «Тажик Ажентс фарма лимитед» Тожикистон-Ҳиндистон кўшма корхонаси қурилмақда.**

Корхонада 28 хилдаги тиббий дори-дармонлар, жумладан, йилга 30 миллион таблетка ва 60 миллион ампула ҳақда катсула тайёрланади. Бунинг учун Ҳиндистон томони 5 миллион доллар маблағ ажратди. Ҳозир корхонага Ҳиндистондан келтирилган ускуналар ўрнатилган, 8 нафар ҳиндистонлик мутахассис бу ишлар билан машғул. Шу йилнинг август ойи охирида дастлабки антибиотиклар ва тан ҳароратини туширадиган дорилар тайёрлашга киришилди.

### • Шу куннинг юмуши

«ГўЗА кун санайдиган экан» дейишди тажрибали деҳқонлар. Бунинг маъноси шунки, кўзи хароратидан керагича баҳраманд бўлиб, обдон тўйилмаган гўза кеч пайида, кўп ҳосил тўқмайди. Бу давр июль, август ойларига тўғри келиб, пировадига хирмонга уйлашган ҳосилнинг камида 75 фоизини гўза айни шу ойларда тўқайди.

Демак, ҳозир пахтакорлар учун айни дозарб палла. Дозарб-лиси яна шундаки, бузунги кунда ҳаво харорати 40 даражага чиқаяпти, айрим вилоятларда ундан ҳам юқори бўлаяпти. Халқ буюки, гўза учун 36-38 даража иссиқ етарли бўлиб, ундан ортқи ҳосил тўғунчаларини қўлаб тўқилиб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг эртиши билан, гўза ва кўсақларни тўла сақлаб қилиш учун ҳозир қандай чора-тадбирларни қўламоқлари керак? Фаргона давлат университети ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Одижон Иброҳимов бу борада шундай маслаҳат беради.

— Хароратнинг ортқида кўтарилиб кетишидан, озиқ моддалари, ҳаво, ёрғуллик, намлик етишмаслигидан ёки улардан бирининг миқдори ортқи ёки камайиши натижасида ҳосил тўғунчаларининг 80-90 фоизига чадирлиги июль ва август ойларида кузатилади. Бу ҳолат август ойининг охиригача кучли кечади. Бунинг олди олинамас, ҳосил чўғига катта эиён етиши мумкин. Одатда, гўза тупида 1-2 донга кўсақ камайиши ҳосилдорлигини камида 4-6 центнер пасайиб кетишига олиб келади. Шу боис ҳосил тўғунчаларининг тўқилишига йўл қўймайди ёки тўқилишини кескин камайитиришга эришиш ва шу тариқа эрта пишир, мул ҳосил олишни таъминлаш июль ва август ойининг энг дозарб вазифасидир.

Бу йил сув танқислиги сезилатгани устига ҳаво хароратининг кўтарилиши натижасида тупроқдан жуда катта миқдорда намлик кўтарилиб, гўзага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки, гўза 36-38 даража хароратда намлик етарли бўлганда дуркун ўсиб ривожланади. Хароратнинг кўтарилиши ўсимликда фотосинтезнинг бузилишига олиб келади. Гўза танасидан буғулини кўчайтгани сабабли у ҳосилланади, айниқса, нами етарли бўлмаган майдонларда кўлаб шона, гул, ҳатто кўсақлар ҳам тўқилиб кетиши мумкин. Сабаби — гўза тупида ҳосил тўғунчалари билан бирга барг ва шохларни энг кўп тўплаган пайти сувни кўп транспирация қилдиган даври-

га тўғри келади. Барг, поя, шох ва ҳосил тўғунчалари ўртасида сув учун рақобат пайдо бўлади. Одатда гўза ўсимлигида намлик етишмаганда сувнинг кўпроқ қисмини барглар тортиб олади ва буғулатириб юборади. Шу даражада гўзада генератив органлар сув етишмаслигидан чанқаб қолади. Натижада ҳосил тўғунчалари ҳам қовжираб, тўқилади. Тупроқдаги намлик етишмаслигидан ўсимлик танасидаги шона, гул ва кўсақларга бир миёрада озиқ моддаларнинг кўтарилиши ва тақсимланиши учун ассимиляторлар қуввати етишмай қолади.

Ҳозирги пайтда гўза авжи ўсиш палласида бўлиб, кўп сув истеъмол қилади. Шунинг учун тупроқнинг намлик даражаси пасайишига асло йўл қўйиш мумкин эмас. Июль, август ойлари давомида гўза пайкалидаги тупроқнинг нами атроф муҳит ҳусеиятиридан қатий назар, 70-75 фоиздан кам бўлмаслиги зарур. Намнинг аҳадияти шундаки, сув биринчидан, ўсимлик тўқималарининг хароратини изга солиб туради, иккинчидан, гўза танаси билан пайкалдаги ҳаво харорати бир маромда бўлишини таъминлайди. Шундай экан харорат 40 даража атрофида бўлган ҳозирги даврда иккиланмай, тунги сугоришни тўғри йўлга қўйиш лозим. Чунки, тунги сугориш ўсимлик ривожига кўмаклашадиган, гўза тупроқдан қабул қилиб оладиган озиқ моддаларни ва сувни қабул қилади, тана бўйлаб



**Буни унутган пахтакор кузда ер қизиб қолиши ҳеч гап эмас**

қатиб қўйиш ёки сугоришни келтиришни йил бўйи меҳнат қилиб тўплаган ҳосилнинг бекуда тўқилиб кетишига олиб келади. Ҳузининг томиларига етарли сув етиб бормаслиги оқибатда ҳосил тўғунчаларини тўқиб юборади.

Маълумки, гўза барча гул, шона, кўсақларни, баргларини озиқ моддалар билан сув орқали таъминлайди. Шона, гул, кўсақ етарли таъминланган гўзаларда эндиги берилган сувдан ўсимлик гўламмайди, балки озиқ-овқат ҳосил қўшади. Гўзага сувнинг унинг талабига кўра кўпроқ ва ер шароитини, ўқариқлар узулигини, қатор оралари келишига ҳисобга олган ҳолда бериш таъмин қилинади. Қўлатиб сугориш ярамайди, ҳароратнинг юқорилигидан қўлаб

қолган сувнинг қизиб кетиши натижасида ўсимликда ҳосил нишонлари тўқилиши кўчаяди. Гўза паст-баланд бўлиб қолади, хашаротлар ва зараркуналлар босади. Шу кунларда гўзани кечаю кундуз сугоришни йўлга қўйиш зарур.

Органик ўғитларни қатор ораларига ишлов бериш пайтида солишни давом эттириш таъмин этилади. Баъзи жойларда эса гўзани шарбат усулида сугоришни давом эттириш лозим. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даражасига қараб, уни

га бардошли бўлади. Танасида иссиқдан ва жазирамадан сақлайдиган миқдорда сувага эга бўлади, шунинг натижасида ҳосил тўғунчалари тўқилиши кескин камайди. Қалийли ўғитлар ҳосил тўғунчаларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга бўлиб, гўза танаси билан ҳосил тўғунчалари бандини мустақам қилади ва ётиб қолишдан сақлайди. Шунинг учун уларни солишга алоҳида аҳамият бериш керак. Охириги ўғитлаш билан берилган қалий ўғити фақат ҳосилни оширади ва сифатини яхшилади.

Сувдан кейин ер етилиши билан ўтказилган чопиқ ҳосилдорлигининг асосини ташкил этади. Чопиқ муддатини ўтказиб юбориш ерининг ёрилишига олиб келади, ёрилган ерда илди албатта узилиб, жароҳатланади, ёки кесак қўчади, култивация сифатсиз бўлади. Сувдан кейин оби-тобига келган пайкалларда чопиқларни иложи борида гўзанинг илдинини шикастламай амалга ошириш лозим. Акс ҳолда гўзанинг илдини жароҳатланади. Жароҳатланган илдишлар ўз вазифасини 25-30 кунга қадар удралай олмайди, натижада озиқ моддаларнинг кўсақ, гул, шоналарга тақсимланиш мароми бузилади. Оқибатда ўсимлик ҳосил нишонларини ташлаб юборади. Устига-устак гўза калсалга чалинувчан бўлиб қолади. Буларнинг барчаси ҳосилдорлигини сезилари даражада камайитишига олиб келади. Буни баргариб етишининг осон ва арзон йўли етилиши билан гўза чопинини (култивация) жуда саёз ўтказишдир. Култиваторнинг ишчи органлари ўралиши лозим. Акс ҳолда кўсақлар узилиб, шохлар шикастланади ва ўсимликка модда алмашинуви бузилади. Синган шохдаги кўсақлар пишимайди. Чигит пуч бўлиб етилади. Қолган ҳосил нишонлари модда алмашинувини бузилиши натижасида тўқилади. Сифатли култивация натижасида эса тупроқдан илдишларга килдорнинг ўтқиши яхшиланади. Ҳузининг илдини

## ТУРОНЗАМИН МИРОБЛАРИ БУХОРОДА УЧРАШДИЛАР

Маълумки, июнь ойининг охирида Бухорода Туронзамин мамлакатларининг давлатларо мувофиқлаштирилувчи сув хўжалиги комиссияси мажлиси бўлиб ўтган. Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур комиссияда Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида сув тақсимоти, об-ҳаётдан фойдаланиш бўйича юзтага келадиган муаммолар ва Орол денгинини қўқариб қўлиш масалалари кўриб чиқилди. Давлатларо мувофиқлаштирилган сув хўжалиги мажлислари доимо амалий вазиятда ўтарди. Бухородаги йиғинда ҳам ана шундай фаоллик касб этди. Мажлис қатнашчилари узундан-узоқ матрузалар ўрнига, худди давра суҳбатидегидай ўзаро самимий мулоқотда бўлдилар. Бу йилги сув танқислиги мажлиси руҳидан ҳам сезилиб турди. Дустона баҳс-мунозаралар ўз самарасини берди, десак ҳам бўлади.

Мувофиқлаштирилувчи комиссия иштирокчилари сув танқислигига қарамай Оролда сув тушишига эришилаётганини катта қўлиқ билан қайд этдилар. 1994 йилнинг январь ойида Нукусда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган конференцияда қабул қилинган «Сув тақсимоти ва Орол денгизи ҳавзасида сувдан оқилона фойдаланиш ва сув ресурсларини

муҳофазаси таъминлаш чиратиёғисини ишлаб чиқиш» дастурининг бажарилиши мажлис қатнашчилари диққат марказида бўлди. Ушбу нуфузли идора аъзоларидан бу муҳим дастурни ишлаб чиқишнинг ниҳоятгина етказиш мақсадига ўз мулоҳазаларини бир ойдан кечиктирмай тақдим этишлари таъкидланди.

Яна бир муҳим томонидан мажлисда Сирдарё ва Амударёнинг кучли оқим кузатиладиган қисмида дарё ландшафти ўзгариши олдини олиш ёки оқимни назорат қилиш механизминини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Бош мироблар кенгашида минтақа сув хўжалигида юзтага келадиган муаммоларни ҳал этиш учун ҳамкорлик зарурлигини, давлатларо комиссиянинг ирригация ва дренаж халқаро комиссиясига жамоа аъзоси сифатида қабул қилинишига эришиш мақсадига мувофиқлиги айтилди. Бу масалалар навбатдаги Чоржўй (Туркменистон)да ўтказилган мажлисда кўриб чиқилди. Туронзамин одамлари каби дарёлари ҳам битта. Ирмоқларга бўлиб ташланган дарёларнинг бирлашадиган даври келди.

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҚўП КУЧИ КАМАЙМОҚДА

Новий тоғ металлургия комбинати қишлоқ хўжалиги ишларига ҳам хорижий технологияни жорий этмоқда.

Айниқса, картошкачилик ривожига бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Голландиядан келтирилган замонавий ускуналар қончилар хўжаликларидо қўл келаяптир. Хорижнинг янги технологияси тўғрисида қўп кучи бир неча ўн баравар камайган, иш унуми ошиб, вақтдан ютилмоқда.

Т. ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҲАМШИРАЛАР МАЛИКА БЎЛИШДИ

Касбга бўлган садоқатта моҳирлик, билагонлик фаилатлари қўшилса инсон янада гўзаллашар экан. Андижон шаҳар маданият саройида республика Солиқчи сақлаш вазири, Андижон вилоят ҳокимлиги, республика Ешлар иттифоқи марказий қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Ҳамшира'95» 2-республика кўрик танловининг якуний босқичи буни яна бир қарра исботлади.

Ҳозир ҳаяжонли ўтган беллашувда Тошкент вилоятилик Санобар Абдурасулова маликалик тожини кийди. Самарқандлик Гулноза Раҳматуллаева, наманганлик Нодира Мамажанова ҳам омад кулиб боқди. Сориндорларга қимматбахо совғалар топириш билан бирга ҳорижга сафар қилиш учун йўлланма ҳам берилди.

Ф. ПОДМОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Жиноят жазосиз қолмайди ҚИЧҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Мамлакат иқтисодиётининг гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшиш, ички истеъмол бозорини ҳимоялаш, божни ўз вақтида ундириш, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида республика божхона хизмати фаол хизмат қилаётир. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида юртимиз божхона чегаралари орқали 3 миллион 300 минг тонна халқ хўжалиги юклари ўтказилди.

Унинг 1 миллион 800 минг тоннасини импорт, 1,5 миллион тоннасини экспорт маҳсулотлар ташкил этади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқундир.

Савдо муомаласидан тушган бож 506 миллион 300 минг сўмга етди. Унинг 259 миллион 600 минг сўми давлат хазинасига келиб тушди. Шунингдек, давлат хазинасига мусодара қилинган товар-моддий бойликларни сотишдан 15 миллион 600 минг сўм, маъмурий жарималар ҳисобидан 2 миллион 300 минг сўм, республика Валюта жамғармасига эса мусодара қилинган хорижий валюта ва хорижий валютада тўланган турли тўловлардан 48.400 АҚШ доллари ўтказилди.

Ўтган ойлар ичида, шунингдек, божхона хизмати ходимларининг сертақлиги ва хушёрлиги тўғрисида умумий қиймати 28,5 миллион сўмлик товар-моддий бойликларнинг қонунага хилоф равишда олиб кетилаётганига юзасидан 4054 факт аниқланди. Мамлакатимиз аҳолиси учун зарур бўлган катта миқдордаги озиқ-овқат, деҳқончилик ва нефть маҳсулотлари, пахта толаси, файрикунунини тарзда четта олиб кетилаётганига тўхтатиб қолишни ва мусодара этилди.


Ҳозирги кунда аҳолини иқтисодий ҳимоялаш, озиқ-овқат ва кенг истеъмол модлари билан тўлроқ таъминлаш бора-бора ҳукуматимиз томонидан ишлар олиб борилаётганда. Бунинг учун барча чора-тадбирлар белгиланган. Айни пайтда республикамизда тақий бўлган бир қатор маҳсулотлар

лояти божхона ходимлари Ж. Аскарлов бошқариб бораётган давлат белгиси 85-64 ЖАЛ, «ЗИЛ-130» русумли автомашинани текшириб, қонунга хилоф равишда олиб кетилаётган юқини давлат фойдасига мусодара қилди. Ҳозир юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаётганда. Тез орада халқ молиқига бир донга кўсақ қўшим-дай кимсалар қонун олдида жавоб бериладир.

Халқимиз наркотик моддаларини «оқ ажал» деб бежиз айтмаган. Бу оғунинг нақадар фожияти оқибатларга олиб келиши маълум. Шу боис, нечанеча одамлар бевақф оламдан ўтган, қанчаси ногирон бўлиб қолган. Уни истеъмол қилган кимсалар эса турли машғулот ишларини, қотиқликларини содир этишган. Шундай бўлса, ушбу захарли оғу билан «бизнес» қилдирганлар ҳамон учраб турибди. Божхона хизмати ходимлари нашавандлик контрабандасига қарши кураш олиб бориб, 4 ой мобайнида 121 факт қайд этилди. Масалан, 6 апрель кун киригизистонлик Исабой исмида шашх давлат белгиси 3 80-00 ШХ, «ВАЗ-2106» русумли машинаси уриниди тағина пухта қийил беритган ҳолда 985 грамм қора дорини республикамизга олиб ўтишга уринди. Бироқ унинг бу хиласи Андижон вилояти божхона хизмати ходимлари олдида «иш бермади». Мазкур иш юзасидан тергов ишлари олиб борилаётганда. Чеченистон Республикаси фуқароси Луиза кўнунлига қора нишлар тўғрисида Ўзбекистонга келган экан. 25 апрель кун Наманган вилояти божхона хизмати ходимлари «Андижон-Наманган-Москва» йўналиши бўйича қатновчи поездда Наманган шўбхекатидан чиқётган қизнинг нимагадир ҳадисраётганини илбаб қилишди. Луизанинг қийлиги юклар божхона назоратидан ўтказилганда, 15 килограмм 530грамм қора дори топилиди. Қўринишидан беозоргина қўринган бу қизни бундай жирканч ишга қўл уришга нима мажбур қилди экан?! Сабаби аён: энгил пул топиш ҳаваси. Бундай йўл билан топиладиган пулнинг оқибати қанчалик ҳунук бўлишини эса Луиза тергов давомида тўқуниб олади.

Ўзбекистон халқи юрт ободлиги, унинг равнақи учун жон фидо қилдирган бир даврда баъзи қадимлар эл дастурхона бориши лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четта олиб чиқиб сотиш пайидан бўлаётир. Утган мулдат мобайнида 7 миллион 800 минг сўмлик озиқ-овқат, 899 минг сўмлик деҳқончилик маҳсулотлари четта гаيري-қонуний равишда чиқиб кетишидан сақлаб қолинди. «Уғирланган мол татимас», деб бекорга айтишмаган. Қуйилган воқеа бунинг исботидир. 26 апрель кун Қозғистонга тўғри йўл қўлиб, айланма йўл орқали кетаётган улкан «КамАЗ» машинаси Тошкент вилояти божхона хизмати ходимларида шўбха уйғотди. У тўхтатиб текширилганда, юқхонада умумий қиймати 885 минг 612 сўмлик 8 тонна 400 килограмм сариёр қонунга хилоф равишда четта олиб чиқиб кетилаётгани аниқланди. Хайдовчи бу маҳсулотни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги кўчалардан бирида жойлаган хонадондан олганлигини айтиди. Ушбу уй текширилганда, 5 тоннадан ошқ сариёр, 100 минг сўмдан кўпроқ нақд пул чиқди. Маълум бўлишича, мазкур хонадонни фирмалардан бири ижарата олиб, баъзи хўжалик савдо-сотикчи шу ерда амалга оширар экан. Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан Тошкент шаҳар ички ишлар ходимлари тергов ишларини олиб борилаётганда.

2 апрель кун эса Андижон



**Яқинда Тошкент шаҳрида Германиянинг «Винклер» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган яна бир поновойхона очилди.**



**Ҳозир бу ерда ёпилаётган турли-туман поновойхоналарини тошкентликлар шу шаҳар меҳмонлари иштиёқ билан харид қилишяпти.**

Сифатли поновойхоналарни уздуксиз тайёрлаётгани боис қорхона доимий миқдорда ҳам эга бўлади. Айни кунда фирма дўқонини ишга туширилади. Энди понов ва поновойхоналарни шу ердан аҳолига етказиб берилади.

СУРАТДА: поновойхонада иш қизғин; поновой Абдувоҳид Мажидов тайёр маҳсулотни кўздан кечираяпти.

Ш. ЗУФАРОВ олган суратлар.

## Ислоҳот қирралари СИРИ — ОДДИЙ

Қўнғирот таъмирлаш-механика заводи ўтган йилнинг якуни бўйича тумандаги энг қоқоқ, қорхоналар сақидан ўрин олган бўлса, бу йил завод кўрсаткичларида кескин ижобий силжиишлар руй бера бошлади.

Бунинг сири оддий. Авваламбор завод худудида аңчадан буён чанг босиб ётган саккизта ёғочни қайта ишлаш дастохлари бирин-кетин сафта қўшилди. Мазкур дастохларни ишлашиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида — маҳаллий шароитда тайёрланди. Қолаверса, қорхона жамоаси қўнғирот карбид заво-

Абдул МҶМИН, журналист.

• Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

# ГЎЗАППАШАЁТГАН ЧУВАМА

## АНДИЖОН вилоятида «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остидаги фестивал қизгин паллага киряпти

Олтин ёз қанот қоқиши билан ҳар йили Андижонда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукм сура бошлайди. Туманларда қўли гул хунармандлар, ақтидорли санъаткорлар, спортчилар, тадбиркор ушбармонлар ўз қобилиятларини намойиш этишади. Сайлоҳлар, боғларда танга тушгудек бўш жой қолмайди. Мамлакатимиз мустақиллиги қутлуғ санаси арафасида ўтказилаётган анъанавий фестивал бу йил бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланди.

Аввалдан келишувга мувофиқ 18 та шаҳар ва туман икки ой давомида ўзаро куч синашадиган бўлиди. Дастлабга олтинқўлликларни Андижон туманиликлар, пахтабодликларни эса избосканликлар кутиб олишди.

...Куйганёр байрам либосини кийди. Қоралар соҳилдаги шаҳарчада карнай-сурнай салолари, чапани йигитларнинг чиқишлари, дилбар раққосларнинг хиром айлашлари дилларга завқ бағишлади. Андижонликлар халқ хунармандчилигининг

дурдоналари, қишлоқ хўжалик ва саноат моллари кўргазмаларини гоёт кунт билан тайёрлашган экан. Кўрик қатнашчилари эртанги ёруғ кунлар ишқиди ишлаётган Андижон тумани аҳлини меҳнатда ва санъатда неларга қодир эканликларига амин бўлиди. Олтинқўлликлар эса жаҳонгир бобомиз Амир Темур ҳаётига оид саҳна кўринишини шу қанлар жозибали ижро этдиларки, дилларга ёруғлик тушди.

...Избосканликлар фестивалга нафақат пахтабодликлар, қўшни Қирғизистондан

меҳмонларни ҳам таклиф этишди. Улар мусобақаларга туман марказини эмас, кўрган кишига завқ бағишловчи қишлоқ гузарлари билан танишишни таклиф этишди. Таъбир жоиз бўлса, Чувاما қишлоғи кейинги пайтда яшариб, гўзаллашиб кетди. Аввалги дилга хиралик соладиган бинолар ўрнида миллий услубдаги иншоотлар қад ростланди. Маҳаллалар ободонлаштирилди. Аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Гоёт қисқа даврда Чувاما таниб бўлмайдиган қиёфа касб этди.

Меҳмонлар шу кун мезбонларнинг яна бир қувончига шерик бўлиди. Туртқул, Янгиқишлоқ, Яқкатут қишлоқларида 40 мингга яқин аҳоли яшайди. Лекин уларнинг хонадонига ҳалихануз табиий газ кириб келмаганди. «Сиза-Туртқул» юқори босимли газ трасса-

сида «зангори олов»ни ёқиб маросими бўлди. Мезбонлар 8,5 км. масофага газ қувурлари тортилганлиги, савоб ишда ўзбек, қирғиз йигитлари елкама-елка туриб ишлаганликларининг гувоҳи бўлиди.

Избоскан маркази яқин орада бу қалар кўркам либос киймаган эди. «Янгиқишлоқ», Шермат Юсупов номи, «Янги ҳаёт» жамоа хўжаликларини, «Пойтуғ» ширкатлар уюшмасининг тайёрлаб келган қишлоқ хўжалик кўргазмалари, туманда фаолият кўрсатаётган ўнлаб ҳамкор ҳамда кичик корхоналар тайёрлаётган маҳсулотлар таҳсинга лойиқ бўлди. Йулбарс Ўтаганов бошлиқ хунарманд, ёғоч-ўймакорларнинг маҳсулоти ҳайратланарли даражада эканлиги билан олқини олди.

Болалар боғчалари, мактаб ўқувчилари яратган

буюмлар ҳам уларнинг иқтисодий шаклланиб бораётганлигини кўрсатди.

Пойтуғ боғи ҳақиқий сайлоҳга айланди. Минглаб меҳнаткашлар, ёзги саҳнадаги хушовоз хонандалар, раққосларнинг жозибали чиқишларини мириқиб кўришди. Миллий кураш каби спорт беллашувларидан завқ олдилар.

Андижонликлар азалдан куй-қўшиққа, санъатга ихлосманд халқ. Улар дам олишни ҳам, ишлашни ҳам ўрнига қўйишади. Шу боисдир, энди пахта йигим-теримига қадар ҳафтанинг шанба-яшанба кунлари халқ сайиллари сайла улашиб кетади. Эл орасида буй кўрсатаётган ёш ҳофизлар, кулги усталари, аскиячилар халқ хизматида бўлади. Албатта, чойхоналарда андижонча ош дамланиб меҳмонларга тортиқ қилинади. Йилнинг Андижон ва Избоскан тумани иқтисодчилари бошлаб берган фестивал оҳанглари мустақиллик байрами тантаналарига улашиб кетади.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ХОТИРАСИ — ЭП ЭЪЗОЗИДА

Эл-юрт ишига камарбаста бўлган, унинг тинчлиги, осойишталиги учун курашган кишилар яхшиликлари одамлар хотирасида қолади. Уруш иштирокчиси, марҳум милиция ходими Қодиржон Рўзиматов ана шундай инсонлардан эди.



Қодиржон Рўзиматов 1930-йилларда Дангара туманидаги Тегирмонбоши қишлоғидаги 18-мактабда ўқиган. Йигитлик даври суронли уруш йилларига тўғри келди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Украина фронтининг ўзбек ўқчилар биригаси сафида фашист босқинчиларига қарши бўлган шиддатли жангларда қатнашди. Аввал бўлинма командири, кейинроқ взвод командири ёрдамчиси сифатида галабини қарши олди.

Урушдан сўнг ўз мактабда ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлади. Халқ осойишталигини сақлаш истаги уни ички қўшинлар сафида хизмат қилишга чорлади. Ташкентдаги икки йиллик милиция мактабининг тамоғлаб, ички ишлар тизими соҳасида меҳнат қила бошлади. У 1947 йилдан 1973 йилгача Дангара тумани ва Қўқон шаҳри тевағилдаги қишлоқларда участка

назоратчиси бўлиб ишлаб, эл-юрт хурматини қозонди. Унинг халқ орасида обрў-эътибори катта эди. Шу туғайли бўлса керак, ўзи туғилиб ўсган Қизилмушт қишлоғидаги турли тўймаърақаларда, кишиларнинг ўзаро гурунгларида Қодиржон ака номи бугун ҳам эътиром билан ёлга олинадди. Ҳозирги кунда Тегирмонбоши қишлоғидаги 18-урта мактаб ажойиб инсон, марҳум милиция ходими Қодиржон Рўзиматов номи билан аталади. Шу йилнинг февраль ойи бошларида мактаб учун икки қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Т. ҲАМРОҚУЛ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган сурат.

## • Қадрият

Гарвард университетининг (АҚШ) Яқин Шарқ ва Марказий Осиё археологияси институти директори профессор Фредрих ХИБЕРТ билан мулоқот.

— Жаноби Хиберт, олис Америкадаги университетларнинг бирида Марказий Осиё археологиясини ўрганиш бўйича махсус институт борлигини эшитиш ёқимли, албатта. Бу бизнинг мамлакатимизга, унинг қадимий маданиятига чет элларда ҳам қизиқини ниҳоятда юқори эканлигига яна бир далиллардир...

— Аслида бу қизиқини фақат бугун пайдо бўлди, деб ўйлаш нотўғри. Чунки Марказий Осиё ҳудуди жаҳон цивилизациясида жуда катта ўрин тутган. Бундан азалдан кўпчилик тарихчи олимлар яхши билишган. Шу сабабли халқингиз ўтмишини ўрганиш, бу ерда минг йил муқаддам битилган асарларни топиб ўқиш учун ўтган асрларда ҳам Марказий Осиёга Европадан ва жаҳоннинг бошқа бурчакларидан санокли бўлса-да, аммо ўз ишининг филойиллари ҳисобланган олимлар келишган. Масалан олис Америкадан, Гарвард университети уюштирган илмий экспедиция бу ерга биринчи марта 1904 йилда келганига нима дейсиз? Демак, биз илмий алоқалар, изланишлар энди йўлга қўйилмапти, демакми. Афсуски, совет даврида бу соҳада ҳам анча узилиш бўлди...

Бу қизиқининг асосий сабаби — дунёнинг турли цивилизацияларини боғлаган йўллар айнан шу ҳудуддан ўтган. Агар мозийга теранроқ қарайдиган бўлсак, қадимги дунёда, айтилик, биз бронза асри

— Ўзбекистонга биринчи келишингизми ёки илгари ҳам бўлганми? Археологик қазималарда иштирок этибсиз, уларнинг натижаси қандай?

— Беш йил аввал Самарқандда илмий анжуманда иштирок этган эдим. Демак, бу иккинчи ташрифим. Қолаверса, ҳали кўп марта келишдан умидвор-


хеологлар билан биргаликда ўн кун давомида Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон, Сополиттепа (Шеробод туманида) ёдгорликларидега қазималар олиб бордик. Жарқўрғон Шаҳристон эраминдан аввал икки минг йил муқаддам ҳам мавжуд бўлган. Уни Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимий шаҳар, десак ян-

лар ўсанлигини уларнинг қулига қараб аниқлаш иложи бор. Улар ўша давр ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитади. Иккинчидан, ҳали у воҳаларнинг шаклланиш тарихи ҳам тўлиқгина аниқ эмас. Яъни, таққотлар давомида Мессопотамия, Шумер, Вавилонга нисбатан бу ердаги цивилизация қадимийми ёки ёшроқми? Ана шулар аниқланади. Хуллас, ҳамкорлигимиз йўналишлари ва соҳалари анчагина.

Умуман, бошқа фан ҳодимларига нисбатан археологлар озчиликни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларнинг археологлари энг яхши мақсадлар йўлида бириккани маъқул. Лекин мен халқингизнинг ўз тарихини, қадриятларини нақадар эъозлашга кўп марта гувоҳ бўлдим. Тарихга фақат олимлар эмас, оддий кишилар ҳам қизиқини кўриб қувондим. Масалан, Шеробод туманидаги Э. Бердиев номи хўжалиқининг ўз археология музейи бор экан. Бундай турдаги музейлар бошқа мамлакатларда ҳам камдан-кам учрайди. Деярли топилмайди. Ана шуларни кўриб бир археолог сифатида сидқидилдан қувондим. Чунки тарихни эъозлаган халқ кам бўлмайди.

Сухбатдош: М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# АФРОСИЁБ КЕКСАМИ, ЖАРҚЎРҒОН?



деб атайдиган даврлар, яъни тўрт минг йил муқаддам ҳам турли ҳудудларда яшовчи халқларнинг бири-бири билан савдо алоқаларини бўлган. Бизнинг вази-фамиз уларни илмий жиҳатдан асослаш, шахсан ўзимнинг илмий йўналишим ҳам ана шу даврларни қамраб олади.

ман. Энг асосий мақсади-миз — Ўзбекистон археологлари билан мустақам алоқа ўрнатил. Чунки Республика Фанлар академиясининг Самарқандда жойлашган Археология институти ҳозирги даврда бор катта илмий марказлардан бири ҳисобланади. Биз ўзбекистонлик ар-

лишмаймиз. Қолаверса, у ҳатто Афросиёбдан ҳам бир ярим минг ёш кекса. Бундай шаҳарлар қадимги Бақтриянинг ўзига бўлган. Бу ҳамкорлик бизга нима беради? Биринчидан, Гарвард университетида бор катта илмий куч ва имкониятга таяниб ўша даврда бу ҳудудда қандай ўсимлик-

## • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

# БАРЧА СПОРТЧИМИЗ ОЛИМПИАДА СОВРИНОРЛАРИ

Ногирон спортчиларимизнинг IX Бутунжаҳон Махсус Олимпиада уйинларида қатнашиш учун Америкага жўнаб кетганини ҳақида газетамизда хабар берган эдик. Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган Махсус Олимпиада уйинларида жаҳоннинг 140 мамлакатидан етти минг спортчи қатнашди.

IX Махсус Олимпиадада республикамиз спорт шарофтини ҳимоя қилган 16 спортчимизнинг барчаси совриндор бўлиб қайтишди. Енгил атлетикачиларимиз Олимпиада уйинларининг иккита олтин ва тўртта бронза медалини қўлга киритишди. Айниқса 12 нафар футболчиларимизнинг Олимпиада кумуш медалларини тақиб

қайтиши қувончли ҳодир. Бош мураббий Александр Саушкиннинг шогирдлари дастлаб «С» гуруҳида Италия, Ирландия, Жанубий Африка, Пенсильвания, Нью-Жерси штати жамоалари билан бўлган учрашувларда муваффақият қозониб, иккинчи босқичда Болливияни 1:0, Туркменистонни 1:0, Пауасанияни 8:0, Нью-Жерсини 2:0

ҳисобида мағлубиятга учратилди. Кения жамоасига эса 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Финал босқич учрашувларида ҳам жамоамиз муваффақиятли тўп сурди. Сўнгги финал учрашувида вакилларимиз яна кенияликларга қарама-қарши келиб, 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди ва Махсус Олимпиада уйинларининг кумуш медали билан тақдирланди. Ногирон спортчиларимизнинг Америкага бориб келиш ҳаражатларини «Язекс текстиль» ўзбек-турк корпорацияси ўз зиммасига олди.

Р. ЭРМУХАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

**МЛК БОР ТОШКЕНТДА!**  
Ўзбекистон бозорларида бундай сифатли молларни ҳозирча топиш қийин

АҚШ, ЯПОНИЯ, ИТАЛИЯ, ИНДОНЕЗИЯ, ТАЙВАН ФИРМАЛАРИНИНГ МАХСУЛОТЛАРИ

Агар офисингиз кўриниши энг яхши жаҳон андозаларига мос келишини истасангиз, унда "Пойабзал ва спорт моллари" фирмасининг кўргазма залига таъриф буюринг. Биз сизнинг дидингиздаги офис мебели, канцелярия моллари, телефонлар, офис гилами, поёндоз, калькуляторларни таклиф этамиз.

**БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЗДА МУҲАЙЁ!**

ФИРМА МАНЗИЛИ:  
Тошкент шаҳри, Янгиобод даҳаси,  
Толарқ кўчаси, 26.  
Телефонлар: 95-56-80 - қабулхона зали,  
98-47-91 - савдо зали,  
98-47-95 - кўргазма зали.

**"ЧАЧ ЛИМИТЕД" фирмаси**  
Тошкентдаги омборидан пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотади:

- 1022-М, 97-А, 378-классли санаят тикув машиналари.
- МБК-1, 51- классли тикилаётган уст-бошларнинг хошиясини (зиг-заг) бостирувчи машиналар.
- "Руно" - мўйнадўзлик машинаси.
- Р-12 бичувчи машина.
- 1022 МР "АЛЕСЯ" маркали хунармандлик машинаси.
- Болалар тикув машинаси.
- АБ-40 люминисцент лампалари.
- Сунъий чармлар.
- "POST" телефон аппаратлари

**Телефонларимиз:**  
(3712) 77-84-83, 77-67-88.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон масъул ходими Мухтор Ерқуловга отаси **Ерқул ҲАМИДОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девон ходими Раимқул Душаевга отаси **Мўмин ДУШАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурияти бошқарув раиси муовини Ҳикматулла Юнусовга отаси **СОБИРЖОН ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзгазлойиха» институти жамоаси институт директори Обидхўжа Ортиқхўжаевга отаси **Мастура ОРТИҚОВНИНГ** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номи Тошкент давлат маданият институтининг ректорати ва касоба уюшмаси «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасининг доценти Э. Худойбердиевга укаси **Пўлат ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ** бевақ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖҲҲАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:  
Парламент 33-57-34;  
Халқаро 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодиёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Ахборот 36-29-89;  
Тўғри муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ТСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — К. РИХСЕН.  
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.